



**Парим бўлса учуб кочсам улусдан то канотим бор.  
Канотим куйса учмокдин, югурсам то хаётим бор.**

**Чикиб бу дайрдин Исога нечун хамнафас бўлмай,  
Бихамдиллох, тажарруд бирла химматдин канотим бор.**

**Халойик сухбатидин минг гамим бордурки, муфт ўлгай,  
Агар минг жон бериб билсамки, бир гамдин нажотим бор.**

**Чекиб агёрдин юз жавру тортиб ёрдин минг гам,  
Не ўзга халқдин гайрат, не ўзимдин ўётим бор,**

**Кечиб кўздин ёзай бир хатки, даҳр ахлига кўз солмай,  
Бу дамким кўз саводидин каро, кўздин давотим бор.**

**Тилар кўнглум куши анкодин ўтгай нари юз водий,  
Мунингдек сайр этарга Кофдин ортук саботим бор.**

**Навоий, билки, шах кўнгли манга кайд ўлмаса, биллах,  
Агар кавнайнга хошок чоглиг илтифотим бор.**

Хар кандай улуг санъаткорнинг шеърида сўз унинг ўзи акс эттиришни истаган фикр ва туйгудан бир неча хисса ортик маъноларни ифодалайди. Шунинг учун хакикий шеърнинг гоявий-бадиий таркибида хамиша нималардир сир бўлиб, аллакандай маъно гавҳари яширинлигича колаверади. Энг зукко шеършуноснинг хам тахлил имконияти чекланган. Чунки у хар канча уринмасин, сўзнинг мажозий мохиятини барча ранг, оханг товланишлари билан идрокдан ўtkаза олмайди. Бирданига бир неча рамзий мажмуаларни таркибига бирлаштира олган шеър – чинакам шеър. Навоийнинг газали шу даъвонинг ёркин исботидир. Уни ўкиган бугунги ўкувчи кандай хулосаларга келади. Тахминан бундай: Шоирни “улус” жуда бездирган эканда, канот чикариб кочишни

кўзлабди. Шох унга илтифот кўрсатганида, балки у «халойик сухбатидин минг гам»га гирифтор бўлмасмиди. Бунга сабаб ўша жаҳолатли замон, адолатсиз феодал тузум ва хоказо.

Газалнинг шахс ва замон ўртасидаги зиддиятлардан мулоҳаза кўзгагани яхши, албатта. Лекин бу шоирнинг кўлига калам тутказган асосий дард ёки бош максад эмас.

Туркий тасаввуф шеъриятининг буюк вакили Юнус Эмро хусни мутлак ошиклари тилидан:

**Ишкинг олди мандан мани,**

**Манга сан қераксан, сан!**

**Жисмим ёнур кеча-кундуз,**

**Манга сан қераксан, сан! –**

деб айтган. Илохий “мухаббат баҳрининг гаввоси” бўлган юрак факат тавхид завкига муҳтождир. Уни Ҳақдин бошка «на борлик», на «йўклиқ» – хеч нима севинтирумайди. У тахайюл ва ваҳдат майидан маст, ҳалку оламдан кочиб, “кўнгул тахтининг шохи” – Ҳақ даргохига учмок шавкида ёнади. Навоий газалида хам «Ман»ликдан кечиб, «Сан»ликка юз бурган лирик қаҳрамоннинг сирли кечинмалари, олами гайб сори парвози тасвиранланган.

**Эрур максад йирок, водий узун, тун тийра, йўл бўртотк,**

**Бу йўлда салб этиб ўзини юкин, ўзни сабукбор эт, –**

дейди Навоий бошка бир ўринда. Юкоридаги газал қаҳрамони «ўзни сабукбор» эта олгани учун хам «учиб кочмок» ниятини очик изхор килган:

**Парим бўлса учуб кочсам улусдин то канотим бор,**

**Канотим куйса учмогдин, югурсам то хаётим бор.**

«Парим бўлса» демок билан одамда пар пайдо бўла колмайди. «Учуб кочсам» дейиш улусдан кутулиш чораси эмас. «Канотим куйса...» Дарвоке, канот нимадан куяди? Куёш оташиданми? Йўқ, калб куёшининг нуридан. Навбатдаги байтни ўқиб англаймизки, лирик «Мен» «Парим бўлса учуб кочсам...» дея асоссиз сўзламаган экан! Унга самога учган Исо пайгамбар ўrnак. У Исога хамнафас бўлмогни истайди:

**Чикиб бу дайрдин Исога нечун хамнафас бўлмай,**

**Бихамдиллах, тажарруд бирла химматдин канотим бор.**

Дайрдин чикмок – бу дунёни тарк килмок. Аммо “нобакор олам»дан баланд күтарилиш учун хам канот керак. Шу маънода тажарруд – воз кечиш ва химмат тилга олинган.

Дийдорталаб ошикларнинг сухбати – илохий сухбат. Улар учун, Ибн Арабий айтмокчи, жимлик ва сукут орифликнинг олий белгиси, негаки, “ билган гапирмай, гапирган билмайди». Хакикий ишк ахлининг икрорига кўра, “Кай ерда тинчлик бўлса, Хак или бирлик бўлар». Халойикнинг ўткинчи манфаатларга дахлдор машмаша ва гавголари ана шу хаёлий бирликка халал беради.

**Халойик сухбатидин минг гамим бордурки, муфт ўлгай,  
Агар минг жон бериб билсамки, бир гамдан најотим бор.**

“Халойик сухбатидин минг гам” исканжасида колган киши најот тилаши табиий. Аммо бу “минг гам”дан биттасида хам најот йўқ. Агар бўлганида текинга “минг жон бериб” бўлсада, уни билиш мумкин.

**Чекиб агёрдин юз жавру тортиб ёрдин минг гам,  
Не ўзга халқдин гайрат, не ўзимдин ўётим бор.**

Биринчи мисрада гап ёр ва агёр хакида. Агёр – душман ёки ганим. У юз жавр кўрсатган бўлса, ёр ёхуд дўст минг гам етказган. Шу боис ўздин хам, “ўзга халқдин” хам узоклашилган.

“Ракиб”, “агёр” деганда биз салбий киёфадаги инсон тўгрисида ўйлашга кўнишиб колганмиз. Холбуки, тасаввуф адабиётида “ракиб” ва «агёр» хакидаги фикрлар нафсга доирдир.

**«Тўккиз мингдир бу нафс хашароти,  
Мудом эгурилидир аларнинг оти...»** Юнус Эмро “Тўрт кишидир йўлдошим...», дейди.  
“Ул тўртнинг бири – жон, бири – дин, бири – имон”. Хўш, охиргисичи? Мана, эшитинг:  
**Бири нафсимдур душман,  
Анда савашиб колдим...**

Тасаввуф шеърияти билан чукур якинлиги йўқ Захириддин Мухаммад Бобур хам “Шахвату нафс кавий душмандур”. “Нафс ёғисини маглуб этгил”, нафс “Душманедур агарчи ўтру эмас, Лек бир лахза сендин айру эмас”, дея огохлантирган.

Навоийнинг “Чекиб агёрдин юз жавр...”, дейиши, бу – “нафси золим»га тегишли. “Ёр” эса вужуди мутлакдир. Нафсни енгиш – “ўзлик иморатин” бузиш. Акс тарзда “Не ўзга халқдин гайрат, не ўзимдин ўётим бор”, дейиш холатига кўтарилиш имконсиздир.

**Кечиб кўздин ёзай бир хатки, дахр ахлига кўз солмай,  
Бу дамким кўз саводидин каро, кўздин давотим бор.**

Нега кўздин кечиб «бир хат» ёзиш керак? Факат «дахр ахлига кўз солмаслик учунми? Йўқ, албатта. «Жон кўзи» Ёрни кўриб, «Дил ондин хабар» бергач, хусн шоки жон ичинда жойлашиб, «кўнгилни арш» айлайди. Бу – ботин кўзнинг очилиши:

**“Ботин кўздир Дўстни кўрган,  
Бу зохир кўз ёбондадур...”**

Кўздин кечиш ва “кўз саводи”га оид хакикат асосан мана шу.

**Тилар кўнглим хуши анкодин ўтса нори юз водий,  
Мунингдек сайр этарга Кофдин ортук саботим бор.**

Бу икки мисрада фано водийсига сайр эътиборда тутилган. Чунки анко кушидан хам “нори юз водий”га ўтишга ахли фаногина кодирлигига Навоийнинг ўзи бир ўринда гувохлик берган:

**Уруж истар эсанг, бу дайр ичинда фоний ўлгилким,  
Малак узра кадам босиб ўтар акли фано густох.**

Демак, шеър қаҳрамонининг анко манзилидан хам «нори юз водий»га сайр этарга саботи етарли. Ахир, унинг кўнгли «фано кучидин зўрбозу» истаётир. Газалнинг сўнгги байтини ўқиймиз:

**Навоий, билки, шах кўнгли манга кайд ўлмаса, биллах,  
Агар кавнайнга хошок чоглиг илтифотим бор.**

Нихоят, бош муддао гапирилди: шохнинг кўнгли шоирга мойилмас. Шунинг учун икки дунёга хам унинг «хошок чоглиг» илтифоти йўқ. Профессор А.Хайитметов газал шоирнинг йигитлик вактида яратилганига таяниб, ўша шох «Навоийга душманлик назари

билин караб, унга Хиротда кун бермаган золим Абу Саид эди. Унинг даврида Навоий Хиротда нихоятда кийналиб, бир пулга зор бўлиб, туришга уйи йўқ, ейишга овкати йўк холда яшайди... Хиротдаги хушомадгўй феодаллар подшонинг Навоийга муносабатининг ёмонлигини билиб, унга нисбатан яхши карамаганлар. Натижада, шоир юкоридаги газалда тасвирланган ахволга тушган ва охири Хиротдан кетиб колган», деб ёзади. Газалдаги умумий рух, мистик кечинмаларнинг багоят куюклиги, сўз ва охангдаги гамгинлик шундай хулоса чикаришга асос беради. Аммо газалнинг гоявий-бадиий мундарижаси бошка мулохазаларни ўртага ташлашга хам монелик килмайди. Алишер Навоий газалларидаи бирида шохга мурожаат этиб, ўзни «ўздин улугрок шохга хожатманд» билишга чакирган. Бу шох – Оллоҳ. Бизнингча, газал хотимасида ана шу шохдан марҳамат кутилаётир. Шоириинг икки дунёни хам “хошок”ча назарга илмаслиги бир золим подшохнинг муносабатигагина бўғланса, шеърда аксини топган илохий-фалсафий мохият ўз-ўзидан майдалашади.

***Югурма ризқ учун, не етса Ҳақдин англаким, комил,  
Не келтургил демиш, не гайбдин етганин кайтормиш.***

Навоий энг мушкул ахволда хам эътиқодига содик колгани ва Тангридан бошкасидан кўркиш, шафкат тилашни гумрохлик билгани шубҳасиздир.

***Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаккул***